

**Буюк Ипак йўлининг чорраҳаларида жойлашган юртларимиз қадимдан Осиё, Европа ва Африка қитъаларининг карвон йўллари тугашган ҳудудлар сифатида шуҳрат қозонган. Ҳозир турк қардошларимиз биздан минглаб километр олинда яшаётган бўлсалар-да, тилларимиз ва дилларимиз ниҳоятда яқиндир. Бизнинг тарихий илдизларимиз бир, бугунги орзу-интилишларимиз ҳам муштарак.**

Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти

## Ўзбекистон ва Туркия:

# ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан 29-30 март кунлари Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди.

Икки давлат ўртасида савдо ва инвестиция соҳаларида алоқалар жадал ривожланмоқда. Жумладан, кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш **2,5 баробарга ўсиб, 3,6 миллиард доллардан ошди. Қўшма корхоналар сони 5 баробар кўпайиб, 2 мингдан ортди. Инвестициявий ҳамкорлик кўрсаткичлари 70 баробарга ўсди.**

2

**СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲАМДА ОЛИЙ СУД МУТАСАДДИЛАРИГА!**

## «ISHONCH» САВОЛИ

### ИНТИЗОМСИЗ СУДЬЯЛАР ҚАБУЛ ҚИЛГАН ҚАРОРЛАРНИНГ ҚАНЧАСИ АДОЛАТЛИ?

Яқинда Судьялар олий кенгашининг матбуот анжуманида ўтган йили 220 нафар судья интизомий жавобгарликка тортилгани, шунингдек, 19 нафар судьянинг ваколати муддатидан илгари тугатилиб, вазифасидан озод этилгани маълум қилинди.

Қайд этилишича, 2022 йилнинг биринчи чорагида ҳам «элакдан ўтказилган» судьялар оз эмас: 22 нафари вако-

лати муддатидан илгари тугатилиб, вазифасидан озод этилган бўлса, 46 нафари интизомий жавобгарликка тортилган.

Биламиз, кейинги пайтларда судларда қўрилаётган ишлар сони кундан-кунга кўпайиб борапти. Ижтимоий тармоқларда судлар устидан шикоят қилаётган фуқаролар ҳам оз эмас.

Ҳар бир дело инсон тақдири билан боғлиқ экан, ўз-ўзидан савол туғилади: ин-

тизомий жазо олган ёки ваколати муддатидан олдин тугатилган қонун пешволари томонидан ўқилган қарор ва ҳукмларнинг қанчаси адолатли-ю, қанчаси адолатсиз?

Яна бир савол: Бу интизомсиз қозилар қаердан пайдо бўлди? Уларни бу ўта масъулиятли вазифага ким ва нега тавсия қилган? Кимдир булар учун масъулиятни зиммасига оладими-йўқми?

Ғуломжон МИРАҲМЕДОВ

КЕЛГУСИ СОНЛАРДА ЎҚИНГ...

**БАРДОШНИНГ  
БЕНАЗИР ИНЪОМЛАРИ**

**УФҚ ОРТИДА  
НИМАЛАР БОР?  
Ёқуд оммавий маданият  
олабўжи эмас**

**Комиловнинг хати  
ҳукумат қароридан  
устунми?**

Самарқанд  
вилояти

Касаба уюшмаси аралашгач...

## ПИСАНД ҚИЛИНМАГАН

# БУЙРУҚ

Фотима Тоғаева ўтган йилнинг май ойида Қўшработ тумани халқ таълими бўлимининг 33-сонли буйруғи билан тумандаги «Баркамол авлод» болалар мактаби директори ўринбосари лавозимига тайинланиб, мутасаддилар иштирокида таъинирув маросими ҳам ўтказилган эди.

Таассуфки, мазкур тадбирда номаълум сабабларга кўра, мактаб директори Н.Уташев иштирок этмади. Шу-шу раҳбарлар ўртасидан «оламушук» ўтади. Таажжубли томони шундаки, мактаб раҳбари ўринбосарга иш шароити яратиб бермаган. Турли ваз-карсонлар кўрсатиб, табелга ҳам киритмаган.

Натижада Ф.Тоғаевага ойлик маош тўланмайди. Раҳбарият муносабатидан ранжиган ўринбосар вазиятни юмшатишни сўраб, юқори ташкилот – халқ таълими бўлимига мурожаат қилади. Шундан сўнг «Баркамол авлод» болалар мактабидидаги вазият ХТБнинг икки мутахассиси томонидан ўрганилган.

Комиссия тузган далолатномада ҳам мактаб раҳбарияти томонидан Ф.Тоғае-

вага алоҳида хона ажратилгани, раҳбар Н.Уташев уни ишга қўймаётгани баён этилган. ХТБ аралашуви билан Фотимага касаллик варақаси ва маълум муддатли иш ҳақлари тўлаб берилган. Аммо раҳбар тўнини батамом тескари кийиб олиб, ХТБ буйруғини тан олмасдан келган.

Тайинланган вазифага киришиш, уни ўдалашнинг аччиқ азобини тортган, сунъий тўсиқларга учраган Фотима Тоғаева касабаси уюшмаларига мурожаат қилди.

– Ишга кириб, касб-коримдан рўшнолик кўрмай, касал бўлиб қолдим, – дейди Фотима Тоғаева. – Мактаб раҳбарияти томонидан менга муттасил босим ўтказиб келинди.

Бугун вазият ўзгарди. «Баркамол авлод» болалар мактабига янги раҳбар тайинланди. Касаба уюшмалари аралашуви билан Фотима Тоғаева ҳам ўз вазифасига тикланди.

Улуғбек ҒАНИЕВ,

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерациясининг Самарқанд вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг таклифига биноан 29-30 март кунлари Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлди. Ташрифи самарали ўтди. 29 март куни Тошкентда ўтган музокараларда кўплаб келишувларга эришилди. Давлат раҳбарларининг самимий мулоқоти 30 март куни Хивада давом этди.**



**Сизнинг ташрифингиз ҳамкорлигимиз учун янги ва юксак имкониятлар яратишга жуда катта ҳисса қўшади. Ота юртингиз эшиклари Сиз ва барча туркиялик қардошларимиз учун доимо очиқ.**

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти**

**Туркия Республикаси Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини биринчи бўлиб тан олган. 1996 йилда мамлакатларимиз ўртасида Абадий дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланган. Халқларимиз кўп асрлик тарихи, тили, дини, қадриятлари ва муштарак урф-одатлари билан бир-бирига чамбарчас боғланган. Давлатларимиз ўртасида ўзаро ишонч асосидаги дўстона муносабатлар бугунги кунда изчил мустақамланиб бормоқда.**

# Ўзбекистон ва Туркия:

## ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ



### Анъанага айланмак

Туркия етакчиси давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида «Янги Ўзбекистон» боғига ташриф буюриб, Мустақиллик монументи пойига гул қўйди. Меҳмонга мажмуада акс эттирилган тарих ва мазмун ҳақида сўзлаб берилди. Таъкидлаш жоизки, бу хорижий давлат раҳбари ташрифи чоғида «Янги Ўзбекистон» боғида ўтказилган биринчи шундай маросим бўлди ва келгусида анъанага айланади.

### Туркия Президентига тухфа

Давлатимиз раҳбари ўзбек тилида нашр этилган «Дада Қўрқут китоби»ни Туркия Президентига тухфа қилди. Яқинда Тошкентда барча туркий халқларнинг буюк маданий мероси бўлган ноёб асар – «Дада Қўрқут китоби» ўзбек тилида тўлиқ ҳолда нашр этилди. Ўнлаб дostonлардан иборат ушбу қимматли китоб аждодларимизнинг шонли тарихи, ота-боболаримиз жасорати ва донишмандлигидан дарак беради.



### Стратегик шерикликни мустақамлашга қаратилган ҳужжатлар тўплами

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған олий даражадаги Стратегик ҳамкорлик кенгашининг иккинчи йиғилиши якунлари бўйича Қўшма баёнот имзоладилар.

Бундан ташқари, икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида кўп қиррали Ўзбекистон – Туркия ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 9 та ҳужжат имзоланди.

- Жумладан:
  - Илтиёзли савдо тўғрисидаги битим;
  - Давлат чегаралари орқали товарлар ва транспорт воситаларининг ўтиши ҳақида олдиндан ахборот алмашиш тўғрисидаги баённома;
  - Меҳнат ва бандлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандуми;
  - Суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик меморандуми;
  - Қурилиш соҳасида англашув меморандуми;
  - Соғлиқни сақлаш вазирликлари ўртасида 2022-2023 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар режиси;
  - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан Туркиянинг «Анадолу» агентлиги ўртасида ҳамкорлик битими.

### Кўп қиррали ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған тор доирада музокаралар ўтказди.

Етакчилар Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ишончга асосланган кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустақамлаш юзасидан фикр алмашдилар.

Учрашувда асосий эътибор стратегик шериклик муносабатлари даражасини юксалтириш, икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, парламентлараро, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни кенгайтириш масалаларига қаратилди.



### Замонавий электр станцияси ишга туширилди, яна бирининг қурилиши бошланди

Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоғаннинг мамлакатимизга ташрифи доирасида Тошкент вилоятида замонавий иссиқлик электр станциясини ишга тушириш ҳамда Сирдарё вилоятида шундай станция қурилишини бошлаш маросими бўлди.

Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоған рамзий тугмани босиб, Қибрай туманидаги иссиқлик электр станцияси-

ни ишга туширди ва Ховос туманидаги иссиқлик электр станцияси қурилишини бошлаб берди.

Қибрайдаги ИЭС қуввати 240 мегаватт бўлиб, йилига 2 миллиард килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқаради.

Ховос туманидаги янги иссиқлик электр станцияси 220 мегаватт қувватга эга, унда йилига 1 миллиард 700 миллион килловатт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади.

### Муштарак ниятлар рамзи

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған Кўксарой қароргоҳидаги Фахрий меҳмонлар хиёбонига кўчат ўтқазди.

Бу йил Ўзбекистон билан Туркия ўртасида дипломатик алоқалар йўлга қўйилганига 30 йил, Стратегик шериклик муносабатлари ўрнатилганига 5 йил тўлди. Ушбу ниҳол ҳамкорлик ривожига янги давр бошланаётганининг, муштарак эзгу ниятларнинг рамзи бўлди.

Мазкур хиёбонда бошқа ҳамкор давлатлар раҳбарлари эккан дарахтлар ҳам бор.

### Кўҳна кент таассуротлари



Президент Шавкат Мирзиёев ва Президент Режеп Таййип Эрдоған Хивадаги Ичан қалъага ташриф буюрди.

Меҳмонлар Ичан қалъадаги Ота дарвоза, Кўк минора, Кўҳна арк саройи ва мадрасалар, хунармандлик расталарини кўздан кечирди. Паҳлавон Маҳмуд мақбараси, Жума масжиди зиёрат қилинди.

Давлат раҳбарлари хунармандлар, сайёҳлар билан самимий суҳбатлашди.

Хоразмча қўшиқ ва рақслар ижроси барчага кўтаринки кайфият бахш этди.

Хиванинг давлатчилик ва илм-фан ривожига тутган ўрни, қадимий обидалари ва санъати туркиялик меҳмонларда катта таассурот қолдирди.

### Турк дунёсининг маданий пойтахтидаги самимий мулоқотлар



Президент Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан бирга 30 март куни Хоразмга келди.

Ургач халқаро аэропортида Туркия Президенти Режеп Таййип Эрдоған ва унинг рафиқаси тантанали кутиб олинди. Миллий қўшиқ ва рақслар ижро этилди. Йиғилганлар ўзбек ва турк халқлари дўстлигини олқишлашди.

Давлат раҳбарлари биргаликда Хивадаги қадимий обидаларни зиёрат қилди. Маълумки, Хива шаҳри Турк дунёсининг маданий пойтахти деб эълон қилинган.

## Жамоа шартномаси муҳокамада

Тошкент шаҳри

Охири беш йилликни том маънода мамлакатимизда бунёдкорлик даври бўлди, десак, муболага бўлмайди. Шу фурсат оралиғида қад ростлаган кўркам бинолар, ижтимоий соҳа объектлари, sanoat корхоналари сўзимиз исботи, албатта. Табиийки, пойтахтимиздаги «12-қурилиш трести» АЖнинг ана шу бунёдкорлик лойиҳаларида ҳиссаси катта.

## БУНЁДКОРЛАР МУЛОҚОТИ

Ушбу ташкилотда бугунги кунда 3 минг 583 нафар ишчи-ходим меҳнат қилмоқда. Уларга муносиб меҳнат шaroити яратиш, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлаш «12-қурилиш трести» АЖ бошланғич касба уюшма ташкилотининг зиммасида.

Мазкур корхонада 2021-2023 йиллар учун тузилган жамоа шартномаси муҳокама қилиниб, бир қанча вазифалар белгилаб олинди.

Мулоқот чоғида «12-қурилиш трести» АЖ бошқарув раисининг биринчи ўринбосари Тоҳир Зокиров жамоа шартномасида белгиланган ишларнинг бажарилиши, хизматчилар учун яратил-

ган шарт-шaroитлар, имтиёзлар, ходимларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий манфаатлари нечоғли таъминлангани, маданий-маърифий тадбирлар хусусида батафсил маълумот бериб ўтди.

Йиғилишда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Хусниддин Сайдалиев сўзга чиқиб, ҳамкорликда олиб борилаётган ишларга тўхталди.

Мажлис поёнида жамоа шартномаси бажарилиши бўйича ҳамкорликда олиб борилган фаолият кўпчилик томонидан қониқарли деб баҳоланди.

Ўз муҳбиримиз

## Қўшимча имтиёзлар киритилди

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Фарғона минтақавий филиалида 2021-2023 йиллар учун иш берувчи ва ходимлар ўртасида тузилган жамоа шартномасининг 2021 йил якуни ва ундаги бандларнинг бажарилиши бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Ўтган давр мобайнида жамоа шартномасида белгиланган бандларга қўра, 12 нафар ходим имтиёзли йўлланмалар орқали турли сиҳатгоҳларда саломатлигини мустаҳкамлади. 35 нафар ходимга моддий кўмаклашилди. Ишда намуна кўрсатган 20 нафар ходим моддий рағбатлантирилди. Кам таъминланган ишчи-ходимларга озик-овқат маҳсулотлари тақдим этилди. Шунингдек, ижтимоий ҳимояталаб оилалар фарзандларига ўқув куроллари харид қилинди. Мухтасар айтганда, жамоа

шартномасининг барча бандлари бажарилишига эришилди. Қолаверса, иш берувчи билан ҳамкорликда аъзоларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларига катта эътибор қаратиб келинмоқда.

Яқунда ишчи-ходимларнинг таклифлари асосида жамоа шартномасига 2022 йил учун қўшимча имтиёзлар киритилди.

**Раҳматжон ҚЎЗИБОЕВ,**  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Фарғона минтақавий филиали касба уюшма кўмитаси раиси



Фарғона вилояти

Хоразм вилояти



## ХОДИМЛАР ҲИМОЯСИ ҚАЙ ДАРАЖАДА?

Хоразм вилояти Автомобиль йўллари ҳудудий бош бошқармаси таркибидagi ташкилотларда 1728 нафар ходим фаолият юритмоқда. Энг муҳими, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш борасидаги ишлар йилдан-йилга яхшиланиб бормоқда.

Хусусан, ўтган йили меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирлар ўтказиш, ишчи-хизматчиларни муқофотлаш, жамоат транспортида юриш харажатлари, меҳнат таътили, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотиб олиш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш тизимли йўлга қўйилди. Бошқармада кутубхона, спорт зали ташкил этилди.

Бу фикрлар бошқарма бошлиғи Ф.Саъдуллаев ва касба уюшма кўмитаси раиси А.Машарипов ҳисоб-ботларида меҳнат жамоасининг умумий йиғилишида бирма-бир тилга олиб ўтилди.

Касба уюшмаси томонидан ташкилот ва унга қарашли корхоналар ишчи-хизматчилари ўртасида спорт ишларини янада ривожлантириш, уларда спортга бўлган иштиёқни ошириш мақсадида ҳар бир корхонага спорт анжомлари, шахмат, стол тенниси ва тўплар сотиб олиб берилди.

Шунингдек, корхона раҳбарияти ва касба уюшмаси томонидан ўтган йилда 29 нафар ходимга пенсияга чиқиши, 11 нафар ходимга юбилей саналари, ишламайдиган 8 нафар пенсионерга Наврўз байрами муносабати билан пул муқофоти ва совға-саломлар топширилгани таъкидланди.

Келгусида ишчи-хизматчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш, ижтимоий қафолатлар даражасини кўтариш, меҳнатга ўз вақтида ва адолатли ҳақ тўлашни таъминлашда ўз фаолиятини янада кучайтириш, жамоа шартномаси бандларини бажаришга алоҳида эътибор билан ёндашиш асосий вазифа сифатида белгилаб олинди.

**Шоҳиста ЧОРИЕВА,**  
Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши ижтимоий ҳимоя масалалари бўйича бош мутахассиси

Қашқадарё вилояти

## САРҲИСОБ ВА ТАҲЛИЛ

Муборак нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармасида 2021 йилда жамоа шартномасининг бажарилиши таҳлил этилиб, амалдаги йилда қилиниши лозим бўлган ишлар белгилаб олинди.

Йиғилишда бошқарма директори Гулмурод Мавлонов кон, цех ва бўлинмаларда олиб борилган ишлар, эришилган ютуқлар ва жорий йилда амалга оширилиши режалаштирилган тадбирлар ҳақида маъруза қилди. Касба уюшма кўмитаси раиси Азамат Муродов эса ижтимоий шериклик тамойиллари асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини ўтказиш, қулай ва беҳавотир меҳнат шaroитларини яратиш, ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошлари ўз вақтида тўланишини назорат қилиш борасида олиб борилган ишлар хусусида ахборот берди.

Сўзга чиққанлар иш берувчи ва касба уюшма кўмитасининг ўтган йилги фаолиятини қониқарли деб баҳолашди.

Йиғилишда «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамияти бирлашган касба уюшма кўмитасининг меҳнат жамоаси конференциясига делегатлар сайлаб олинди.

**Акмал АБДИЕВ,**  
«ISHONCH»



Бухоро вилояти

## МУҲИМ ТАВСИЯЛАР БЕРИЛДИ

Бухоро вилояти прокуратураси тизимида меҳнат қилаётган ходимларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш юзасидан бошқарма маъмурияти ва касба уюшма кўмитаси ўртасида 2021-2023 йилларга мўлжаллаб тузилган жамоа шартномасининг 2021 йилда бажарилиши юзасидан йиғилиш бўлиб ўтди.

– 2021 йил давомида иш берувчи билан жамоа шартномасини тузиш, унга ходимлар учун қўшимча имтиёзлар киритиш ва ижросини таъминлашга эришиш касба уюшма кўмитасининг доимий диққат марказида бўлгани алоҳида эътироф этиш лозим, – деди вилоят прокурори ўринбосари Б.Камолов.

Қайд этилганидек, ўтган йил давомида, жамоа шартномаси асосида бошланғич касба уюшма кўмитаси ташаббуси билан қатор хайри тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, прокуратура органлари ходимлари куни байрам тадбирларига касба уюшмаси маблағлари ҳисобидан 10,8 миллион сўм йўналтирилди. Ташкилотнинг 5 нафар собиқ ходимига ушбу сана арафасида 3,7 миллион сўмлик қимматбаҳо совғалар тақдим этилди.

Бундан ташқари, 3.Жўраев етакчилиги қилаётган бошланғич касба уюшма кўмитаси ташаббуси билан йил давомида 18 нафар ходим ва уларнинг оила аъзоларига саломатлигини тиклаш мақсадида имтиёзли йўлланмалар ажратилди. 7 нафар ходимга 20,4 миллион сўмлик моддий ёрдам берилди. Маданий-маърифий тадбирлар учун 104,6 миллион сўм маблағ сарфланди.

Йиғилишда вилоят прокуратураси бошланғич касба уюшма кўмитасининг 2021 йил давомидаги иш фаолияти атрофича таҳлил этилиб, жамоа шартномасида кўрсатилган айрим бўлим ва бандлардаги вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда фаолиятда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш касба уюшма кўмитасининг 2022 йилги иш фаолияти давомида асосий эътибор қаратиладиган вазифалардан бири бўлиб қўлиши таъкидланди.

**Туроб ҚУЛИЕВ,**  
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Бухоро вилояти кенгаши раиси ўринбосари

## ЭЪТИБОРДАН МАМНУНМИЗ

Сурхондарё вилояти

«Термиз нефть базаси» масъулияти чекланган жамиятида жамоа шартномасининг 2021 йилда бажарилишига бағишлаб йиғилиш ўтказилди.

Дастлаб корхона раҳбари Ф.Норқобилов амалга оширилган ишлар, ходимларга белгиланган имтиёзлар ва қўйиладиган талаблар ҳақида маъруза қилди. Шундан сўнг корхона касба уюшма кўмитаси раиси Э.Номозовнинг ҳисоботи эшитилди.

Қайд этилганидек, ўтган йили юк ташувчи автомобиль ҳайдовчиси 3.Жўрақулов ва ғазначи М.Мирзаева 50 ёшга тўлиши муносабати билан моддий ёрдам берилди. 14 нафар ходим турли сиҳатгоҳда соғломлаштирилди. Уч нафар ходимга соғлигини тиклаши учун касба уюшма маблағлари ҳисобидан моддий кўмак кўрсатилди. Ишчи-ходимлар фарзандларидан 98 нафари болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ҳордиқ чиқаришди. Меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича 22 марта текширув ўтказилиб, аниқланган камчиликлар бартараф этилди. Жамиятнинг собиқ раҳбари Муротали Мирзаевнинг хотирасига бағишланган минифутбол мусобақасида ғолиб жамоаларга фахрий ёрлик ва пул муқофотлари топширилди.

Конференция ишида Агрoсanoат ходимлари касба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Эркин Бойниёзов иштирок этиб, жамоа шартномаси таъсирчанлигини ошириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

**Рустам ДАВЛАТОВ,**  
«ISHONCH»



